


## Омбудсманнинг Фарғонадаги вакили “Муруват уйи”да навбатдаги мониторинг ўрганишларини ўтказди

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) Фарғона вилоятидаги минтақавий вакили Алишер Камилов Ўзбекистон туманидаги Қудаш ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Муруват” интернат уйида яшовчиларга яратилган шарт-шароитларни ўрганди.

Қайд этилишича, мазкур “Муруват уйи”да жами 360 нафар 1-2 гурӯҳ ногиронлиги бўлган бемор аёлларга ғамхўрлик кўрсатилади. Масканда асосан руҳий хасталиги бўлган беморлар яшаб, даволанади. Муруват уйида беморлар икки гурӯҳга бўлинади ва б та бўлимда 60 нафардан жами 360 нафар ногиронлиги бўлган беморлар истиқомат қилиб, даволаниб келмоқда. Муассасадаги жами 267 нафар ички ходимлар васийликка олингандарга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатади. Шундан, 15 нафари шифокорлар, 54 нафари ўрта тиббий, 133 нафари кичик тиббий ходимлари ва 65 нафар бошқа ходимлар фаолият юритади.



Мониторинг давомида bemorlarни яшаш xonalari, ularga яратилган шароитлар, ovqatlaniш xonasasi, tibbий muolajalar xonasasi, fizioterapia muolajalari ўtkaziladigan xonalar kўzdan kechirildi.

Шунингдек, bemorlarни dori-darmonalr bilan taъminlaniши, dori-darmonalrni saqlash joylari ham ўrganildi. Ўрганиш жараёнида taъminot va sharoitlar yozasidan shikoylar keliib tushmadi.



Мониторинг ташрифи жараёнида 28 нафар беморлар билан оммавий, 7 нафари билан яkkама тарзда сұхбатлар үтказилди. Сұхбатлар давомида уларнинг даволанишлари учун барча шароитлар яратылғанлыги, кичик тибиёт ходимлари уларни хар бирларига алоҳида эътибор қаратадаётганларды, озиқ-овқат таъминотидан хам эътиrozлари йүқлиги маълум қилинди.

Шунингдек, мониторинг давомида “Мурувват уйи”даги ошхонада беморларга тушлик овқат тайёрланиш жараёни билан танишилди. Овқатлар тасдиқланган кундалик таомномага асосан, гүшт ва бошқа масаллиқлар белгиланган меъёрлар бўйича солиниб тайёрланаётганлигига гувоҳ бўлинди.



Бундан ташқари физиотерапия муолажалари хонаси хам кўздан кечирилганда, шифокорлар кўрсатмаси асосида bemorларга муолажалар ўтказилаётганлиги, bemorлар учун керакли муолажа ускуналари мавжудлиги аниқланди.

Мониторинг ўрганишлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарурий тавсиялар берилди.

**Алишер Камилов**

**Омбудсманнинг Фарғона вилоятидаги минтақавий вакили**

2023-09-20 18:23:37